

“Заковат” интеллектуал беллашуви

2020-йил 1 декабрь куни “Ер ресурсларини бошқари” факультети декани Ш.Нарбаев, ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини Ҳ.Эшова ҳамда факультет етакчиси Д.Жабборова ва иқтидорли талабалар ташаббуси билан 1-босқич талаба-ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, талаба-ёшларнинг ҳуқуқий онги, саводхонлигини янада ошириш мақсадида, “Заковат” интеллектуал беллашуви ўтказилди. Ушбу интеллектуал беллашуви ўтказишдан мақсад талаба-ёшлар орасидан ҳар томонлама етук, билимли ҳамда маҳоратли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-кувватлаш, иқтидорлиларни аниқлаш ҳамда касбий маҳоратини ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, давлат аҳамиятига молик турли инновациялар, янгиликлар қилиш мақсадида ўтказилди. Танловда жами 4 нафар талабалардан иборат 7 та жамоа билимлар майдонида беллашдилар. Қизғин кечган баҳслардаги натижалар қўйидагича: 1-ўринни: 108-гуруҳ талабалари; 2-ўринни: 106-гуруҳ талабалари; 3-ўринни: 103-гуруҳ талабалари насиб қилди. Фолиб жамоалар факультет раҳбарияти томонидан тақдирланди. Келгусида шу каби билимлар беллашуви яна давом этади.



ТИҚХММИИ матбуот хизмати